



## Қорақалпоғистон Республикаси Суғориладиган Ерларининг Мониторинг Қилиш Масалари

Ержанова Перийзат Полатовна

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистранти

### ABSTRACT

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб ҳозирги вақтда мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг муҳим омили сифатида екин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида изчил чора-тадбирлар ўтказилмоқда

### ARTICLE INFO

**Received:** 17<sup>th</sup> September 2022

**Revised:** 10<sup>th</sup> October 2022

**Accepted:** 10<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS:


Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб ҳозирги вақтда мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг муҳим омили сифатида екин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида изчил чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Сабаби, республикамызда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғи турли даражада шўрланган бўлиб, бу ҳол тупроқ унумдорлиги, екинлар ҳосилдорлигига доимо хавф солиб туради. Натижада бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда ер ва сув ресурслари ҳолатини баҳолаш ҳамда давлат бошқаруви органлари, аҳолининг кенг қатламларини ерларнинг миқдорий ва сифат ҳолати тўғрисида ишончли маълумотлар билан таъминлаш, уларнинг маълум вақт оралиғида ўзгариши, тоифалар ва ерлар бўйича тақсимланиши ҳамда суғориладиган ерларнинг унумдорлигини пасайтирадиган салбий жараёнларнинг асосий сабаблари таҳлил қилиш ва уларни карталаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Қорақалпоғистон Республикаси кенг ҳудудларга эга екин майдонлари мавжуд бўлиб, лекин уларни ўзлаштириш катта суғориш ишларини, хусусан, коллектор-дренаж тармоғини қуришни талаб қилади. Келажакда суғориш учун суғориладиган зона доирасидаги бир оз шўрланган ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ ва чўл-тақир тупроқли ер массивларидан, шунингдек, ўтлоқ-шўр ерлардан фойдаланиш тавсия етилади [3]. 2008-2018 йиллардаги суғориладиган далаларнинг шўрланиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, тупроқларда асосан ўртача шўрланиш даражаси (32-39%) бўлган. Енг паст кўрсаткичлар жуда шўрланган тупроқлар билан белгиланади - 11% гача.

Бу йерда суғорма деҳқончилик, тахминан ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган ерларни оммавий ўзлаштириш бошланишидан аввал дарё водийлари, уларнинг биринчи ва иккинчи террасалари ва делталари билан чегараланган еди. Бу сув олишнинг техник имкониятлари ва ҳудуднинг гидрогеологик хусусиятлари билан изоҳланади. Бу йерда суғорма деҳқончилик, тахминан ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган ерларни оммавий ўзлаштириш бошланишидан аввал дарё водийлари, уларнинг биринчи ва иккинчи террасалари ва делталари билан чегараланган еди. Бу сув олишнинг техник имкониятлари ва ҳудуднинг гидрогеологик хусусиятлари билан изоҳланади [3,4].

Маълумки, Ўрта Осиё дарёларидаги суғориш учун мўлжалланган сув, тоғлардан чиқишда 0,2-0,3 г/л, унинг остидаги худудларда эса 1,0 г/л ва ундан ортиқ шўрланганлиги учун енг кучли туз манбаи ҳисобланади. Тупроқнинг қарийб 80% буғланишга сарфланади ва суғориш қандай амалга оширилади, қурғоқчил зонадаги табиий намлик танқислигини қанчалик қоплайди ва фойдасиз эмас, дала сиртини четлаб ўтиб, ер ости сувларини озиклантиради, иқтисодий фаровонликни оширади. суғориладиган йерларнинг ва суғориладиган ерларнинг экологик ҳолатига боғлиқ [1,2].

Амалий фойдаланиш мақсадида биз магистрлик диссертация ишимизда “Қорақалпоғистон Республикаси ерларини қишлоқ хўжалигида фойдаланишга қулайлик даражасига кўра баҳолаш” схематик харитасини тузишда, қуйидаги омиллар ҳисобга олинади: суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, ерлар, екинлар ҳосилдорлиги, коллектор-дренаж тармоғининг узунлиги ва ҳоказо. Суғориладиган далалар доирасида ҳал қилинган муаммоларни ҳал қилишда уларни “Даланинг агроэкологик паспорти” маълумотларидан фойдаланган ҳолда сертификатлашдан ўтказиш зарур, уларнинг маҳсулдорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин.



**1 - Расм. Қорақалпоғистон Республикасида шўрланган қишлоқ хўжалиги ерлари кўрсаткичларининг схематик харитаси, %да (А.Р.Реймов 2022 й)**

Бизнинг мамлакатимиз жойлашган қурғоқчил (арид) зона шароитида суғориладиган ерлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар мамлакат худудининг ғарийб 10 фойизга яқинини эгаллаб турсада, республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотнинг 90 фойздан ортиғини ишлаб чиқади. 1968-2000 йиллар ичида бу минтақада турли даражадаги шўрланган тупроқларнинг улуши деярли ўзгармади ва барча қишлоқ хўжалиги ерларнинг 87 - 93% ни ташкил қилади, 2009 йилга келиб эса ўртача ва юқори-шўрланган тупроқлар майдони кўпайди[4,5].

Ҳозирги вақтда унинг умумий экин майдонидаги улуши ва ялпи даромади буйича пахтачилик етакчи ўринни эгаллайди. Бу тармоқ суғориладиган ерларнинг 36,6-37,0 фойизини ташкил қилади. Иқлим шароитининг ўзгариши нафақат тупроқ қоплами ва мелиоратив кўрсаткичларни (шўрланиш, ботқоқлик ва бошқалар), балки атроф муҳитнинг унумдорлигини: ўсимлик қопламини, минтақанинг экологик мувозанатини, ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ва бошқаларни ўзгартувчи кучли омилдир. Хулоса қилиб айтиш керакки Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ерларининг ҳолати унча яхши эмас, суғориладиган ерларни яхшилаш, уларнинг бал банитетини ошириш ишларини талаб қилади. Ҳозирги вақтда эса замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда суғориладиган ерларни мониторинг қилиш долзарб аҳамиятга эга.

**Фойдаланилган Адабиётлар**

1. Абдиров Ч.А., Константинова Л.Г., Курбанбаев Е.К., Константинова Г.Г. Качество поверхностных вод низовьев Амударьи в условиях антропогенного преобразования пресноводного стока – Ташкент; Фан, 1996. –112 с.
2. Атанязова О.А., Константинова Л.Г., Ещанов Т.Б., Курбанов А.Б. Аральский кризис, Нукус; 2001.- С. 56-68.
3. Реймов А.Р. Охрана и рациональное использование земельных ресурсов в Республике Каракалпакстан //Экологический вестник Узбекистана.-Ташкент, 2009.- № 9.- С.28-29.
4. Реймов А.Р. Экологические индикаторы и проблемы рационального использования земельно-водных ресурсов Каракалпакстана// диссертация автореферати
5. Чембарисов Э.И., Атаназаров К.М., Реймов А.Р. Оценка состояния окружающей среды Республики Каракалпакстан при помощи экологических индикаторов //Тезисы Республик. научно-практич. конфер. «Наука Каракалпакстана: вчера, сегодня, завтра», посвящ.50-летию Карак.отделения Академии наук РУз.- Нукус, 2009.- С.81.